

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Мамлакатимизда жами 9 мингдан ортиқ қурилиш материаллари корхоналари мавжуд бўлиб, 180 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Кейинги 5 йилда мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишида олиб борилган ижобий ислоҳатлар натижасида **қурилиш материаллари саноати жадал суръатларда ривожланди.**

Хусусан, қурилиш материаллари саноатининг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми **2017 йилдаги 8,1 трлн сўмдан 2021 йилда 24,2 трлн сўмга (3 баробар)** ошди. Соҳага 2017 йилда **560 млн** долларлик инвестиция жалб қилинган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич **1,4 млрд** долларга етди.

Шунингдек, экспорт ҳажми **71,4 млн** доллардан **438,1 млн** долларга (**6,1 баробар**) етказилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш **103,2 млрд сўмдан 923 млрд сўмни** ташкил этиб, **8,9 баробарга** ошган.

Жорий йилнинг **I ярим йиллигида** қурилиш материаллари саноатида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми **15,0 трлн сўмни** ташкил этиб, ўсиш ўтган йилга нисбатан **108 фоизни** ташкил этди.

Ушбу даврда соҳага **758 млн** долларлик инвестициялар жалб этилди (**ўсиш 128%**), **287,0 млн** долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди (**ўсиш 2 баробар**), **268,0 млн** долларлик қурилиш материаллари импортдан олиб кирилди (**ўсиш 2 баробар**), маҳаллийлаштириш дастури доирасида **514,9 млрд сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилди (**ўсиш 128%**). Шунингдек, ушбу даврда **4 833 нафар** янги иш ўринлари ташкил этилди (**ўсиш 111%**).

2022 йил якуни билан соҳа бўйича **27,6 трлн сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, **1,8 млрд** долларлик инвестициялар ўзлаштирилиши, **690,0 млн** долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниши, маҳаллийлаштириш дастури доирасида **981 млрд сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳамда **20 908 нафар** янги иш ўринлари ташкил этилиши кутилмоқда.

Шунинг билан бирга, жорий йил якуни билан **470,0 млн** долларлик қурилиш материаллари импорт қилиниши белгиланган.

Соҳа корхоналари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жами **287,0 млн** долларлик қурилиш материаллари экспорт қилиниб, режага (**232,8 млн долл.**) нисбатан **123 фоизга** бажарилган ва ўтган йилга нисбатан **1,9 баробарни** ташкил этган.

Жумладан, **64,6 млн** долларлик керамика маҳсулотлари, **86,7 млн** долларлик ПВХ профил, труба ва пластмасса маҳсулотлари, **82,1 млн** долларлик металл буюмлар, **38,0 млн** долларлик алюмин профил ва алюминдан ясалган маҳсулотлар экспорт қилинган.

Асосий экспорт йўналишлари Қозоғистон (жами экспортнинг **29 %**), Қирғизистон (**16 %**), Тожикистон (**15 %**), Россия (**7 %**) каби давлатлар ҳисобланади.

2022 йил якуни билан соҳа бўйича қурилиш материалларини экспорти **690 млн** доллар миқдорида белгиланган.

Жорий йилнинг ўтган даврида жами **268,0 млн** долларлик тайёр қурилиш материаллари импорт қилинган бўлиб, ўтган йилга (**276,1 млн долл.**) нисбатан **97 фоизни** ташкил этган.

Жумладан, **65,2 млн** долларлик ДСП (**292 минг м3**), **42,5 млн** долларлик цемент (**1,06 млн тн**), **25,3 млн** долларлик гулқоғоз (**7,2 минг тн**), **25,3 млн** долларлик лок-бўёқ

(10,1 минг тн), **19,1 млн** долларлик ПВХда қувур ва фитинглар (7,1 минг тн) каби маҳсулотлар импорт қилинган.

Импорт асосан Россия (*жамига нисбатан 32,1 %*), Қозоғистон (19,8 %), Хитой (10,6 %), Тожикистон (7,2 %) каби давлатлардан амалга оширилган.

Маҳаллийлаштириш дастурига асосан жорий йилнинг ушбу даврида **13 турдаги** қурилиш материаллари бўйича жами **515 млрд** сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа **116 фоизга** бажарилган.

Хусусан, дастур доирасида **18 минг** дона керамик санитар-техник буюмлар, **1,8 млн** кв м линолеум, **832 минг** кв м керамогранит, **1,8 минг** тонна пайвандлаш электродлари каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

2022 йил якуни билан маҳаллийлаштириш дастури доирасида **981 млрд** сўмлик **13 турдаги** қурилиш материалларини ишлаб чиқариш белгиланган.

Жорий йилнинг ўтган даврида умумий қиймати **758 млн долларлик** инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, режа **120 фоизга** бажарилган.

2022 йил якуни билан қиймати **1 802 млн** долларлик инвестициялар ўзлаштирилиши ва ўтган йилга нисбатан **127 фоизни** ташкил этиши кутилмоқда.

Хусусан, ушбу лойиҳаларнинг **35 таси** йирик лойиҳалар, **132 таси** ўрта лойиҳалар ҳамда **652 таси** кичик лойиҳаларни ташкил этади. Шунингдек, жорий йилда қиймати **1,8 млрд** долларлик **819 та** лойиҳалар ишга туширилади ва **20,9 мингта** янги иш ўринлари ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-139-сон қарорига асосан республиканинг **8 та** туманида (*Булоқбоши, Қоровулбозор, Фориш, Чуст, Пахтачи, Сариосиё, Оҳангарон ва Ўзбекистон туманлари*) қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш ҳамда **16 та** туман ва шаҳарларда бошқа ҳудудлар билан саноат кооперацияси ташкил этилиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш белгиланган.

Хусусан, бугунги кунда, мазкур ихтисослашган туманларда қиймати **1,6 млрд** долларлик **150 та** лойиҳа шакллантирилган ва **7,8 мингта** янги иш ўринлари ташкил этилиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу кластерларни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун 2022-2023 йилларда давлат бюджетидан **200 млрд** сўм, шундан жорий йилда **101 млрд** сўм ҳамда геология-қидирув ишлари учун **100 млрд** сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Натижада, **Янги Ўзбекистон массивларини** барпо этишда объектларнинг **қурилиш муддати** ва **таннархини** камайтириш имкони яратилади.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси
Матбуот хизмати